

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
30 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 65 (13326)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Фахр МУҚАДДАС ТАСМА

Миллатнинг ўтмиши, бугуни, эртаси
Мёзилган муборак тасма бу - тилдир.
Унда кишиларнинг бир-бирига муносабати,
халқнинг умумий кайфияти, қадриятлари ва
фазилятлари яққол намоён бўлади.

Генетикада ҳар бир ген ўзида авлод ва аجدод маълумотларини сақлаши, тўлдириб, бойитиб бориши қанчалар табиий бўлса, тилнинг ҳам айни вазифани бажариши шунчалар рост. Бунинг ёрқин исботини Ўзбек тилининг изоҳли луғати, "Қутадғу билиг", Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Алишер Навоий асарларида қайта-қайта кўриш имконига эгамиз. Биргина Абдулла Қодирийнинг "Утган кунлар" романида қанчадан-қанча унутилиб бораётган сўзларимиз ўзида миллат руҳини, маданиятини жобажо этгани, латиф суҳбатларнинг инжа торлари нақадар сержозиба куй таратиб турганини кўришимиз мумкин.

Касбимиз тақозосидан турли тилда сўзлашадиган инсонлар билан тез-тез мулоқотда бўлаемиз. Баъзи суҳбатдошлар ўзга тилларни ўз тилидан кўра яхшироқ билишини кўра-кўра хайратланмай ҳам қўйганмиз. Тил билган яхши, лекин ўз тилини унуттиш оғир мусибат. Гоҳи кўчалардаги эълонларда, пештахталарда хорижий сўзлар кўп учраётганини кўриб ранжир эдик. Ниҳоят, буларга секин-аста барҳам берилаёпти. Ўзбек тили байрамини кенг нишонлаш, унинг мавқеини янада кўтаришга қаратилган ишлар тобора жонланиб, қўлам касб этиб бораёпти.


Бу йил илк бор ўзбек тили байрамини нишонлаймиз. Айниқса, яқиндагина Юртбошимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлаши барча учун тўй устига тўй бўлди. Негаки, ушбу тарихий воқеа кўнгида тилимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром сақлаган ҳар бир инсон учун қувончли ва фахрли иш бўлди. Мазкур нутқни ойна

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи



1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар кунин

Бугунги кун ўқитувчиси
универсал мутахассис,
ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши,
яъни, ўз устида тинимсиз ишлаши,
доимо изланиб яшаши керак.



Зарф ишида иборат

МУАЛЛИМ

Алмира Абдужалилова Янгийўл шаҳрида жойлашган 10-умумтаълим мактабидан салкам ўн беш йилдан буён болаларга чизмачилиқдан дарс бериб келмоқда. Ҳамкасбларининг таъкидла-

шича, А. Абдужалилова ўқувчиларда ўз фанига нисбатан қизиқиш уйғота олган муаллимлар сирасидан. Шунингдек, ҳозирда қаҳрамонимиз ўқувчиларга билим бериш билан бирга, мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

сифатида ҳам фаолият юритмоқда. - Алмира опа нафақат маҳоратли педагог, балки, жамоат ишларида жонқуярлиги билан ҳам ажралиб туради, - дейди кимё фани ўқитувчиси Насиба Маматқулова. - Улар билан бир жамо-

ада ишлаётганимдан фахрланаман. Иш жараёнида билмаганларимни сураб, маслаҳат оламан.

Мафтуна СУННАТИЛЛАЕВА
/Тошкент ҳақиқати/
Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

"АНГРЕН" КЎМИР КОНИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Медиа-тур



Кўмир қазиб олиш саноати мамлакатимиз ҳалқ ҳўжалиги тармоқларини қаттиқ ҳақилги билан таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Ҳозир кўмирга бўлган талабнинг муттасил ошиб бораётгани тизимдаги корхоналар зиммасига янги вазибалар юкламоқда. Шу туфайли кўмир брикети ишлаб чиқариш, аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш тизими тартибга солинди.

2

Фидойилик сабоқлари



Абдукомол МАМАДАЛИЕВ,
вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи

- Таълим - тараққиётни, истиқболни, мамлакатнинг эртанги кунини ва юксалишини, келажак авлоднинг илм-маърифатли, тенглар ичида тенг камол топишини белгилайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз халқ таълими тизимида ислохот ва истиқбол одимлари, янгилиниш жараёнлари ҳар қачонгидан ҳам эътиборда. Бу тизим карантин шароитида ҳам оқшага ҳақли эмас. Шу боисдан, болалар саломатлигини ўйлаган ҳолда ота-оналар ўртасида сўровнома ўтказдик. Уларнинг фикри ва СЭО марказлари хулосасига мувофиқ, мактабларда анъанавий ва онлайн таълим тизими жорий қилдик. 83 фоиз ота-оналар анъанавий, 17 фоизи эса масофавий таълим шаклини танлашди.

(Давоми 2-саҳифада)

Вилоят бўйлаб

КЎЙИ ЧИРЧИҚ туманидаги "Гул" маҳалла фуқаролар йиғинида давлат-хусусий шериклик асосида "Al-Kampon" болалар боғчаси очилди.

Муассасани тўлиқ фойдаланишга топшириш учун 3 млрд. 192 млн. сўм маблағ сарфланди. Мазкур мактабга таълим ташкилоти 150 нафар болани қамраб олишга мўлжалланган.



ЗАНГИОТА туманидаги "Мевазор" маҳалласида носоз йўллари таъмирлаш, янги асфальт қоплаш, электр линияларидаги эскирган тармоқлар ўрнига янги кабеллар тортиш, ёғоч устунларни темирбетонларига алмаштириш ишлари олиб борилмоқда.



БЎКА тумани "Кўкорол" маҳалласининг бир қисмига "Ўзсувтаъминот" АЖ туман бўлими томонидан ичимлик суви олиб келиш мақсадида қувур ётқизиш бошланди.

Шунингдек, "Хўжақўрғон" маҳалласи аҳолиси билан биргаликда 500 метр узунликда ичимлик суви тармоғи тортилмоқда. Тармоқ ишга тушса 80 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланади.



ҚИБРАЙ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман маданият бўлими томонидан Дўрмон сайилгоҳида "Майдон томошалари" фестивали ташкил этилди.

Мазкур маданий тадбирда кино ва театр актёрлари, таниқли хонандалар, шунингдек, бадий ҳаваскорлик, фольклор ва цирк жамоалари қатнашишди.

1 октябрь –

Ўқитувчи ва мураббийлар кунини



Бугун кўз илгамасарра – вирус барчани синовдан ўтказаяётгани рост. Шундай даврда заҳмат чекиб, меҳнат қилаётган устоз ва мураббийларимиз ҳам ҳеч шубҳасиз, бугуннинг асл қаҳрамонлари.

ҲАР БИР ДАРС ЭСДА ҚОЛСИН

Таълим даргоҳлари очилиши билан улар белни маҳкам боғлаб, ишга киришиб кетишди. Карантин шароитидаги мактаблар, боғчалар фаолияти ҳақида кун қаҳрамонларидан фикр сўрадик:

Улугбек МИРЗАХМЕДОВ,
Бўстонлик туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби мусиқа маданияти фани ўқитувчиси:

– Дарсимиз самарали натижа бериши учун амалиётга муҳтож. Шу боис, масофавий таълимга мослашимиз кийинроқ бўлмоқда. Видео, аудио дарслар ўтиб, ижтимоий тармоқлар воситасида болаларга етказиб турибмиз. Бундан ташқари, ўзим ёзган ва нашр юзини кўрган – “Уйнаймиз ва кувнаймиз”, “Келинг бирга куйлаймиз”, “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа машғулотларини ташкил этиш методикаси”, “Етти нота қатори”

номли ўқув кўлланмалари жуда кўп келмоқда. Болаларни қизиқтириш учун кўпроқ мусиқа асбобларини чақдириб, кўшиқлар куйлатиш ҳаракатида бўлаётган. Кўшиқ матнини халқ оғзаки ижоди асосида ўзим ёзаман. Кавсар Турдиева, Анвар Обиджон, Дилшод Ражаб каби шоирларимиз билан дўстона фикр алмашиб, болалар учун 40 га яқин кўшиқлар яратганмиз. Уларнинг аксарияти болажонлар томонидан ижро этилиб, телевидение орқали намойиш қилинган.



Ҳилола КҮЧИМОВА,
Оҳангарон туманидаги 2-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси:

– Мактабгача таълим тизимида 30 йилдан буён ишлаб келаман. Касбимни жуда севаман. Болажонлар билан мулоқот қилиш, ишлаш кишига ўзгача завқ бағишлайди. Жажжи қалбларни илк таълимга тайёрлаш каби масъулиятли вазифамни сийқидилдан адо этиш учун доимо изланишданман. Яқинда бир гуруҳ болаларни мактабга кузатиб, бошқаларини қабул қилдик. Улар жуда кичкина бўлганлиги сабабли юз кўришмай машғулот ўтказиш кўп машаққатли иш. Аммо, пандемия туфайли офлайн машғулотлар ўтказиш оқимаямиз.

Гуруҳимиздаги 80 фоиз болалар билан онлайн дарс ўтиш имкони бор. Қолганларига телефон орқали топшириқларни етказиб турибмиз. Эрта тонгдан жисмоний машқларни бажариб, видео юборишамиз. Кейинроқ берган мавзунимиз юзасидан сурат чизади, хат саводини чиқарувчи илк машқларни ҳам ота-оналар кўмагида ўргатаёلمиз. Бугунги даврда ишлаш ҳеч кимга осон эмас. Аммо, йўлини топиш керак. Мактабгача таълимда ота-она билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш муҳим. Бусиз натижага эришиб бўлмайдим.



Мадина АБДУСАМАТОВА
Тошкент ҳақиқати/ ёзиб олди

Муаллимлар жамият биносининг бинокорлари, онгу тафаккуримиз муҳандислари, маърифат боғининг боғбонларидир. Дарҳақиқат, устозларимиз ана шундай юксак таърифу таҳсинларга лойиқдирлар.

Устознинг бор бисоти – шогирдлар камолоти

Тошкент туманидаги 6-мактабда қарийб ярим асрдан бери ёш авлодга она тили ва адабиётдан сабоқ бериб келаятган Муқаддас Худойназарова “Халқ таълими аълочиси”, “Шухрат” медали соҳибаси. Жорий йилда М. Худойназарова “Таълим фидойиси” кўрак нишони билан тақдирланди. Аммо, Муқаддас опа учун энг катта мукофот бу – шогирдларнинг камоли, ўқувчиларнинг ютуғидир. Ҳозирда ўндан ортқ шогирдлари ўзи билан бир мактабда, ёнма-ён ишлаётгани устоз учун катта бахт.

– Устозимиз кўп йиллик тажрибага эга илгор педагог сифатида жамоамизнинг фахрлари, – дейди мактаб директори, Муқаддас опанинг шогирди Шоира Раҳмонова. – У киши фан ўқитувчиси сифатида ўқувчиларга мукамал

билим бериш билан бирга, замонавий педагогик технологиялардан ҳам самарали фойдаланиб келмоқдалар. Эътиборлиси, Муқаддас опа ёш мутахассисларга иш услубларини ўргатиш, тажрибалари билан ўртоқлашишдан сира чарчамайдилар.

Муқаддас Худойназарова ҳар бир дарс соатига пухта тайёрланади, ўз устида тинимсиз ишлайди. Дарсдан бўш пайтларида “Ифодали ўқиш” ва “Драма” тўғрисида иқтидорли ўқувчилар билан байрам дастурлари ва шеърхонлик кечалари уюшти-

ради. Турли сахна асарларидан парчалар тайёрлашади. Дарвоқе, Муқаддас опа шонинг ўқувчилари йилма йил “Фан олимпиадаси” ва “Бидарвоқе, Муқаддас опа шонинг ўқувчилари йилма йил

нинг ўқувчилари йилма йил “Фан олимпиадаси” ва “Бидарвоқе, Муқаддас опа шонинг ўқувчилари йилма йил

Маълумот ўрнида: тумандаги 6-мактабда 69 нафар педагог ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқда. Улардан 3 нафари олий тоифали, 11 нафари эса биринчи тоифали ўқитувчилардир.

Шунингдек, мактабда “Меҳнат шухрати” ва “Дўстлик” ордени, 2 нафар “Шухрат” медали билан мукофотланганлар, 1 нафар “Таълим фидойиси”, 7 нафар “Халқ таълими аълочиси” бор.

раликка даъво қилмасаларда, ижодга ошно, айрим шеърлари газета, журнал ва китобларда чоп этилган.

Муқаддас Худойназарова-

натижаларни кўлга киритиб, мактабнинг туман бўйича рейтинг кўрсаткичини иккинчи поғонага кўтаришган.

– Агар қайтадан имкон бе-



рилганида қайси касб эгаси бўлишни хоҳлар эдингиз? – деб сўраймиз Муқаддас опадан.

– Ўқитувчи ва фақат ўқитувчи бўлардим, – дейди устоз жилмайиб. – Бошқа касб эгаси бўлишни тасаввур ҳам қилолмайман. Майли, туни билан ухламай ўқувчиларимнинг ёзма ишларини текширай, шўҳ болалар билан соатлаб шуғулланай, асло чарчамайман. Ўқувчиларим тилидан янграган “Устоз” деган бир оғиз сўзни ҳеч нарсага алишмайман.

Дарҳақиқат, “Она”, “Ота”, “Ватан” каби улғувор сўзлар қаторидан жой олган “Устоз” сўзи ҳар биримиз учун қадрли, азиз. Бу мартабага лойиқ бўлиш эса ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бахт.


Аллома АЗИЗОВА
Тошкент ҳақиқати/

Зарф танитган зот аслида дунёни англатади

Ўрта чирчиқлик Назира Қаюмовани кўпчилик тажрибали ва малакали педагог ҳамда меҳрибон устоз сифатида ҳурмат қилади. Назира опа қарийб 37 йилдан бери тумандаги 9-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига таҳсил бериб келмоқда.



Болаларга меҳрибонлиги, касбига фидойилиги сабабли мактаб раҳбарияти, ота-оналар ва энг муҳими, ўқувчилари ҳурматини қозонган Назира опа ҳақида фақат яхши гапларни эшитасиз. Эътиборлиси, зукко муаллимани ўқувчилари ҳар дарсда интиқлик билан кутишади ва сабоқларини жон қўлоғи билан тинглашади. У киши тажрибали педагог сифатида янги ўқув методларини дарсларда қўллаб, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилади. Шунингдек, ўзлаштиришда оқсаётган ўқувчиларга кўшимча вақт ажратиб, алоҳида шуғулланади, бола то



мавзунини тушунмагунча тинчимайди. Шу боис ҳам унинг қўлида таълим-тарбия олган шогирдлари ҳаётда ўз йўлини топиб олишган.

– Устоз учун энг катта мукофот бу шогирдларнинг меҳр-муҳаббати, – дейди Назира опа. – Мен учун ҳар бир ўқувчим ўз фарзандимдек бўлиб қолган, улардан куч ва билимимни аямайман. Шогирд-

ларим бирор ютуққа эришса, ўзим мукофот олгандек қувонаман.

Назира опанинг айтишича, ўқитувчи ҳар жихатдан намуна бўлиши керак. Бунинг учун ўз устида тинмай ишлаши ва доимо изланишда бўлиши лозим. Чунки, ўқувчилар берган саволга ўша заҳоти жавоб бериш керак, уларнинг сиздан илҳос қайтади. Бу эса педагог учун катта фойдадир.

Дарвоқе, Назира Қаюмованинг узок йиллик самарали меҳнати муносиб баҳоланиб, “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

Зухриддин РАҲМОНОВ
Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Фидойилик сабоқлари

Бугунги кун ҳолатига кўра, вилоятдаги 22 та туман ва шаҳардаги жами 724 та мактабда ўқув жараёни бошланди. Қолган 165 та мактаб 2 октябрь кунига қадар босқичма-босқич очилади.

Вилоятдаги педагог ходимларнинг деярли барчаси COVID-19 вирусини аниқлаш бўйича ПЗР тести топширишди: уларнинг 794 нафаридан коронавирус инфекцияси аниқланди. Вирус аниқланган педагоглар белгиланган тартибда уй карантинига олиниб, уларга мобил гуруҳлар бириктирилди. Аммо, улар шу ҳолатларида ҳам ўз вазифаларини бажаришмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб барча устозларимизни Ўқитувчи ва мураббийлар кунини байрами билан табриқлаб, масъулиятли ва шарафли касбларида муваффақиятлар тилаймиз.

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

“АНГРЕН” КҮМИР КОНИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА



Хусусан, 2020-2021 йиллар кузиш даврида аҳоли ва бюджет ташкилотларини кўмир билан доимий равишда таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур жараёнларнинг амалдаги ҳолати қандай кечаётганини кузатиш мақсадида “Ўзбеккўмир” АЖ раҳбарияти ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Ангрэн шаҳрига медиа-тур ташкил этилди.

Дастлаб мутахассислар томонидан “Ўзбеккўмир” АЖнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва режалари хусусида атрофлича маъ-

лумот берилди. Жамият корхоналарида бугунги кунда опти мингдан ортқ ходим ишлайди, улардан минг нафари асосий ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади. Айниқса, “Ангрэн” кўмир кони Марказий Осиёдаги энг йирик конлардан бири бўлиб, бу ерда қазиб олинаётган кўмир республикамиз иқтисодиёт тармоқлари, бюджет ташкилотлари ҳамда аҳоли эҳтиёжлари учун етказиб берилади.

Медиа-тур ишчи-корхона кичиларнинг заҳматли меҳнат фаолияти билан яқиндан танишишди. Акциядорлик жамияти фаолияти Ангрэн кўмири ҳавзаси ҳудудида амалга оширилди. Ушбу ишлаб чиқариш ҳудудида “Ангрэн”, “Апартак” оқик кўмир конлари ҳамда шахта усулида кўмир қазиб олиш кони жойлашган. “Ангрэн” кўмир кони асосий ишлаб чиқариш майдони ҳисобланади.

– Ҳозир конда қазиб олиш жараёни 250 метр чуқурликда олиб борилмоқда, – дейди бош энергетик Фаррух Отажонов. – Бунинг учун барча

зарур техникалар жалб этилган. Махсус экскаваторлар электр токи орқали ишлайди. Кўмир конида иш тўхтовсиз давом этади. Ишчиларимизга бу-

нинг учун барча шароит яратилган, техник хавфсизлик мутахассислар томонидан назоратга олинган. Жумладан, Ангрэн ва Янги-Ангрэн иссиқлик электр станциялари асосий истеъмолчилардир. Ангрэн кўмири бюджет ташкилотлари ва аҳоли эҳтиёжлари учун, шунингдек, биржа орқали тадбиркорлик тузилмаларига ҳам етказиб берилмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йил 18 сентябрь куни ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу йил куз-қиш мавсуми учун кўмир маҳсулотларини таъминлаш ва етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар белгилангани алоҳида таъкидланди. Айниқса, ҳозирги пандемия шароитида бу чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

– Айни пайтда кўмир конларида иш қизгин, – дейди “Ўзбеккўмир” АЖ директорининг ўринбосари Алек-

сандор Корчагин. – Республикаимизнинг бюджет ташкилотлари учун жорий йилнинг 1 ноябргача 405,4 минг тонна, аҳоли эҳтиёжлари учун 1 декабргача 600 минг тонна кўмир етказиб бериш режалаштирилган.

“Ангрэн” ва “Апартак” оқик конларида қазиб олинадиган кўмир фақат республика эҳтиёжлари учун ишлатилади. Келажакда корхонанинг вазифалари қаторига кўмир қазиб олиш ҳажминини ошириш, сифатини яхшилаш ва маҳсулот таннархини пасайтириш кирради.

Ҳозирги кунда “Ўзбеккўмир” АЖ раҳбарияти йирик лойиҳаларни амалга оширишда. Медиа-тур давомида мутахассислар “Ангрэн” оқик конини ривожлантиришга катта сармоялар киритилаётганини тўғрисида гапириб берди. Ушбу маблағларга махсус ускуналар, жумладан, циклли оқим технологиялари ва йирик “БелАЗ” самосваллари сотиб олинди.

Тадбир давомида журналистлар кўмир қатламини очиш ва қазиб олиш, саралаш жараёнлари билан яқиндан танишишди.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ
Аброр ЭСОНОВ
Тошкент ҳақиқати/
олган суратлар

Шаффофлик

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурини Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлардаги шаффофлик орқали Ангрэн шаҳри, Бўка ва Янгийўл туманлари ҳокимликларидида бугунги кунда вакант бўлган лавозимлар учун оқик мустақил танлов эълон қилинган эди.

КАДР ТАНЛАШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Мазкур танловда иштирок этиш учун жами 5 та бўш иш ўрнига 97 нафар номзод ўз ҳужжатларини электрон тарзда тақдим этишди. Жумладан, Ангрэн шаҳар ҳокими ёрдамчиси лавозимига 32 нафар, маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими етакчи мутахассиси лавозимига 14 нафар, Бўка тумани ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимига 25 нафар, туман ҳокимлиги воёга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия котиби лавозимига 12 нафар, шунингдек, Янгийўл тумани маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими етакчи мутахассиси лавозимига 14 нафар фуқаро танловда иштирок этиш истагини билдирди.

арица билан бирга танлов шартларида сўралган ҳужжатларини электрон шаклда, масофадан туриб тақдим этишди.

Танловнинг оқик, адолатли ва шаффоф бўлишини таъминлаш мақсадида жойларда комиссия тузилиб, унинг таркибига ўз соҳаси бўйича етарли билим ва тажрибага эга мутахассис раҳбар-ҳодимлар киритилди.

Яқинда эълон қилинган 5 та бўш иш ўрнидан 4 тасига энг муносиб номзодлар танлаб олинди. Ангрэн шаҳар маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими етакчи мутахассиси лавозимига эса қайта танлов ўтказиш режалаштирилди.

Элдор ИСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридида Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Тошкент вилояти филиали бош инспектори

Таъкидлаш керакки, мазкур танлов бугунги пандемия шароитидан келиб чиққан ҳолда ортқча оврагарчиликларга йўл қўйилмасдан ташкил этилди, яъни номзодлар

Медиа-тур

Тошкент туманидаги "Маданият" саройида кичик ва ўрта бизнес ривожига амалий ёрдам кўрсатиш орқали фаолиятсиз тадбиркорлик субъектларининг тикланиш ҳолати, банк-кредит маблағларининг асосли ажратилиши, уларни мақсадли йўналтириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда тадбиркорликни ривожлантириш борасида ўтган вақт мобайнида туманда амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар ҳақида сўз борди.



Янги лойиҳалар – иш ўринлари

Анжуманда қайд этилишича, тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича жами қиймати 780,2 млрд. сўмлик 56 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 3 минг 239 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Қолаверса, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида 437 нафар лойиҳа ташаббускорларига 21,6 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Шунингдек, пандемия даврида 19 та тадбиркорлик субъектига 636,5 млн. сўмлик солиқ тўловлари муддати кечиктирилди, тижорат банклари томонидан 152 та юридик шахснинг 7 млрд. 488 млн. сўмлик ҳамда 2 минг 12 нафар фуқаронинг 10,9 млрд. сўмлик кредитлари узайтириб берилган.

Айни кунларда эса тумандаги кичик саноат зонасида умумий қиймати 114 млрд. сўмлик 8 та лойиҳа ишга туширилиш арафасида.

Матбуот анжуманидан кейин журналистлар учун тумандаги бир қанча тадбиркорлик субъектларига медиа-тур ташкил этилди.

Дастлабки манзил "Ғишткўприк" чегара-божхона пости яқинида қурилаётган "Mustang Global Servis" масъулияти чекланган жамияти бўлди. Бу ерда савдо мажмуаси ва 500 та автомобилга мўлжалланган автотураргоҳ қурилоқда. Мазкур объектнинг ишга туширилиши ўз маҳсулотларини Қозғистонга экспорт қилмоқчи бўлган тадбиркорлар учун катта қулайлик яратди.

– Карантин сабабли қурилиш ишлари тўхтаб қолган эди, – дейди корхона иш бошқарувчиси Бахтиёр Аҳмедов. – Тижорат

банкдан 1 млрд. 800 миллион сўм кредит олди. Ушбу маблағ эвазига кўзда тутилган ишларни тезроқ амалга оширишга ҳаракат қилаёلمиз.

"Jamshid asl chorva" оилавий

корхонаси ҳам 1 млрд. 800 млн. сўм кредит эвазига чет элдан 200 бошдан ортиқ зотдор молларни олиб келиб боқиш, шунингдек, сутни қайта ишлаш ускуналарини сотиб олишни режа қилган. Ферма замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, барча жараёнлар автоматлаштирилган. Тадбиркор Санжар Содиқов келажақда гўштни қайта ишловчи цех ҳам қурмоқчи.

Шу кун иштирокчилар тумандаги "Sofita", "Rehau eurasia" ва "Келес Барака чеварлари" масъулияти чекланган жамиятларида ҳам

қорхонаси ҳам 1 млрд. 800 млн. сўм кредит эвазига чет элдан 200 бошдан ортиқ зотдор молларни олиб келиб боқиш, шунингдек, сутни қайта ишлаш ускуналарини сотиб олишни режа қилган. Ферма замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, барча жараёнлар автоматлаштирилган. Тадбиркор Санжар Содиқов келажақда гўштни қайта ишловчи цех ҳам қурмоқчи.

Шу кун иштирокчилар тумандаги "Sofita", "Rehau eurasia" ва "Келес Барака чеварлари" масъулияти чекланган жамиятларида ҳам

қорхонаси ҳам 1 млрд. 800 млн. сўм кредит эвазига чет элдан 200 бошдан ортиқ зотдор молларни олиб келиб боқиш, шунингдек, сутни қайта ишлаш ускуналарини сотиб олишни режа қилган. Ферма замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, барча жараёнлар автоматлаштирилган. Тадбиркор Санжар Содиқов келажақда гўштни қайта ишловчи цех ҳам қурмоқчи.

Шу кун иштирокчилар тумандаги "Sofita", "Rehau eurasia" ва "Келес Барака чеварлари" масъулияти чекланган жамиятларида ҳам

қорхонаси ҳам 1 млрд. 800 млн. сўм кредит эвазига чет элдан 200 бошдан ортиқ зотдор молларни олиб келиб боқиш, шунингдек, сутни қайта ишлаш ускуналарини сотиб олишни режа қилган. Ферма замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, барча жараёнлар автоматлаштирилган. Тадбиркор Санжар Содиқов келажақда гўштни қайта ишловчи цех ҳам қурмоқчи.




бўлиб, улар фаолияти билан яқиндан танишиди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Муллахонов қатнашди.

Ўз мухбиримиз Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

Жараён

Айни кунларда ижтимоий соҳа объектларида, аҳоли хонадонларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари кетмоқда. Хусусан, Пискент туманида ҳам Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 18 сентябрь куни ўтказилган видео-селектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда мавсумга пухта ҳозирлик кўриш бўйича мутасадди ташкилот раҳбарларидан иборат махсус ишчи гуруҳ тузилган.



Қиш яқин, ҳозирлик қандай?

Туманда 41 та умумтаълим мактаби, 20 та мактабгача таълим муассасаси, 79-сонли мактаб-интернат, тиббиёт бирлашмаси ва 1 та юқумли касалликлар бўлими, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 6 та қишлоқ оилавий поликлиникалари мавжуд. Шу кунгача туман бўйича 326 та иситиш қозонлари жорий таъмирланди. Сақизта газ ва кўмир ёқилгисидан ишлайдиган иситиш қозонлари ўрнатилди.

Шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, эскирган газ ҳисоблагичларини замонавийларига алмаштириш, иситиш қозонларини таъмирлаш, ойналарни алмаштириш сингари ишлар учун жами 1 млрд. 469 млн. сўм маблағ йўналтирилди, 951 тонна кўмир захираси яратилди.

Маълумотларга қўра, туман аҳолиси, ташкилот ва корхоналар 65 та сув қудуғидан 206 км. сув қувурлари орқали тоза ичимлик суви билан таъминланади. Бу қувурларнинг 0,9 км. мукамал, 4,1 км. қисми жорий таъмирдан чиқарилди.

Кўп қаватли уйлارда ҳам қишга тайёргарлик жараёнлари белгиланган режа асосида олиб борилади. Жумладан, туманда 34 та кўп қаватли тураржойлар мавжуд бўлиб, уларга 3 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Туман ҳокимлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мазкур уйлarning томи, дераза ромлари, фасад қисми ва кириш йўлақларида таъмирлаш ишлари олиб борилади. Хусусан, 20 та кўп қаватли уйнинг том қисми профнастил билан қопланди.

Қолаверса, олис ҳудудлар аҳолисига 208 тонна суьюттирилган газ, 3 минг 649 тонна кўмир-брикет етказиб берилди.

Сир эмаски, қиш мавсумида газ қувурларида босимни бир меъёрга ушлаш жуда муҳим. Шу мақсадда 397 та газ тақсимлаш қутилари техник кўридан, шунингдек, 124 км. (100 фоиз) табиий газ тармоқлари кучли босим остида синовдан ўтказилди. Аҳоли хо-



надонларига 717 та смарт газ ҳисобдонлари ўрнатилди.

Туман аҳолисининг электр энергиясига бўлган талабини қондириш, узлишларнинг олдини олиш учун 246 км. ҳаво линиялари жорий, 155 км. мукамал, шунингдек, 80 та трансформатор пунктлари жорий, 39 таси эса мукамал таъмирланди. Бундан ташқари, 10 та янги трансформатор ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, буғунгача 6 таси ишга туширилди.

Ёнгарчилик ва қиш-қировли кунларда нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида туман йўлларида ҳам мавсумга тайёргарлик ишлари олиб борилади. Яъни, умумфойдаланишдаги 189 км. йўлнинг (63 км. давлат аҳамиятидаги, 126 км. маҳаллий аҳамиятга эга йўллар), 4 км.га асфальт қопланди, 24 км. қисми эса жорий таъмирланди. Сирпанчиқа қарши 200 куб қўм, 5 тонна туз захираси яратилди.

Ўз мухбиримиз Аббор ЭСОНОВ олган суратлар

Ўзбек футболу, шубҳасиз, Осиёда ўз ўрнига эга. Бунга турли ёшдаги терма жамоаларимиз ва клубларимизнинг қитъа майдонларидаги иштироки орқали ҳам бот-бот гувоҳ бўлганмиз. Бироқ, ҳали-ҳануз Миллий терма жамоамиз билан мундиалга бориб биз учун орзу бўлиб қолмоқда. Шу кунга қадар терма жамоамизга не-не мураббийлар, хорижлик мутахассислар келиб-кетди. Ҳа, шунчаки келдию кетди. Терма жамоа миқёсидаги энг яхши кўрсаткичимиз эса ҳануз 2011 йилги Осиё кубоги бўлиб қолмоқда. Ёдингиздадир, ўшанда Осиёда кучли тўртликка киргандик. Бу натижага ҳам ўзимизнинг мураббий Вадим Абрамов бошчилигида эришилганди.

Хўш, нега катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ҳожибой Тожибоев ибораси билан айтганда, ҳатто музқаймоқ еб келиш учун ҳам боролмаймиз? Айб мураббийлардами? Назаримда, ундай эмас. Боиси, термаимизни бошқарган хорижлик мутахассислар бизга қадар, бошқа жамоалар билан қандайдир натижа қайд этиб улгурганди. Африкадан ўша пайтларда футболу ўртамеъна даражада бўлган Камерун деган давлатни 1990 йилги мундиалга олиб чиққанлар ишлашди бизда...

Валерий Непомняший ёки охириги бор Италиядаги мундиалдан бери бу турнир орзуси билан яшаган Миср терма жамоасини 2018 йилги Жаҳон чемпионатида олиб чиққан Эктор Куперни мисол тариқасида тилга олишимиз мумкин. Лекин, бу мутахассислар ҳам бизнинг азалий орзумизни рўёбга чиқара олмади. Бунга сабаблар кўп, улардан энг асосийси, бизнингча, ёшлар терма жамоасидан миллий терма жамоагача бўлган кўприкнинг бузилганлигидир, десак тўғри бўлади. Билсангиз, муваффақиятларимиз асосан, ўсмирлар ва ёшлар билан

қўлга киритилган. Футболчиларимизнинг ёшлиқдаги ўйинларини кўриб, улар улғайиб миллий термаимизни, албатта, жаҳон чемпионатида олиб чиқади, деб ўйлайсиз. Бироқ, йиллар ўтиб, ўша футболчи улғайганида ёшлиқдаги шижоатидан асар ҳам қолмайди.

2013 йилги Туркия мезбонлигидаги У-20 жаҳон чемпионатида иштирок этган футболчиларимиз бунга яққол мисол. Ўша мундиални кўпчилик илиқ хотиралар билан эсга олади. Дастлаб, Аҳмаджон Мусаев мураббийлигидаги термаимизнинг тўлиқ таркиби ва уларнинг ўша пайтлардаги клубларига бир назар солинг.

Дарвозабонлар: Асилбек Омонов ("Пахтакор"), Акмал Турсунбоев ("Анджон"), Баҳодир Мирсоатов ("Локомотив").

Ҳимоячилар: Тоҳир Шамсидинов ("Гулистон"), Сардор Раҳмонов ("Локомотив"), Бобур Йўлдошев ("Локомотив"), Максимилиан Фомин ("Пахтакор"), Камронбей Кападзе ("Бунёдкор"), Нодир Санақулов ("Насаф"), Азамат Абдуллаев ("Қизилқум").

Ярим ҳимоячилар: Аббос Махситалиев ("Пахтакор"), Владимир Ко-

зак ("Пахтакор"), Диёр Туропов ("Олмалик"), Жалолддин Машарипов ("Пахтакор"), Жамшид Искандеров ("Пахтакор"), Сардор Собирхўжаев ("Бунёдкор"), Мухсин Убайдуллаев ("Пахтакор").

Ҳужумчилар: Абдулазиз Юсупов ("Пахтакор"), Жасур Ҳакимов ("Пахтакор"), Игор Сергеев ("Пахтакор"), Забихилло Урибоев ("Бунёдкор").

Терма жамоамиз гуруҳ босқичида Янги Зеландия, Уругвай ва Хорва-

кейинги босқичга чиқар эди. Биз ана шу олтитадан бири сифатида кейинги босқичга чиққандик. Нимчорак финалда ўз гуруҳида 1-ўринни қўлга киритган грекларга қарши ўйин ўтказиб, 3:1 ҳисобида галаба қозонганмиз. Чорак финалда эса ёшларимизни ўша турнирнинг чемпиони, Пол Погба бошчилигидаги Франция кутиб турарди. Учрашувда французлар бизга ҳеч қандай имконият қолдирмаган – 0:4. Эътиборлиси, ушбу турнирда терма-

си Умтити, "Челси" клуби ҳимоячиси Курт Зума, "Манчестер Юнайтед" клуби етакчиси Пол Погба, "Валенсия" ярим ҳимоячиси Кондогбиа... Бу номларни биз айтмасак ҳам биласиз. Гуруҳ босқичида биз дуранг ўйнаган хорватлар азсоси Анте Ребич 2018 йилги Жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Уругвайдан эса, ҳозирда терма жамоа ва "Атлетико Мадрид"нинг етакчиларидан бири бўлган Хосе Мария Хименеси мисол

чи айни шижоатга тўлиб, майдонда етакчи бўла олиши керак. Бизнинг саноқли футболчиларимизга юлдузлик касалидан қочиб, МТЖ таркибиде ҳаракат қилишяпти. Бизга қарши ўйнаганлар эса устиларида ишлаш эвазига Европани забт этмоқдалар, терма жамоалари таркибидан муҳим жой олибгина қолмай, балки етакчилики қўлга олишга ҳам улгурганлар.

Бу биз бой берган бир авлоднинг

МУЗҚАЙМОҚ ОРЗУСИ



ёхуд Ҳожибой Тожибоевнинг эскирмаётган кинояси

Ушбу мундиалда Аббос Махситалиев термаимизнинг ҳақиқий лидери эди. У бошчилигидаги ёшларимиз майдонда ёнишганди ўшанда. Хўш, 2013 йилги мундиалда бизга рақиблик қилган футболчиларнинг савияси қай даражадаю, бизнинг ёшларимиз қандай эди?

Бизни чорак финалда тўхташга мажбур қилган Франция ҳақида ортиқча маълумот шарт эмас. Боиси, уларнинг аксарияти ҳозирда юлдуз даражасида. "Барселона" ҳимоячи-

қилишимиз мумкин. Бизнинг шоввозларчи?

Мундиалдан кейин аксар футболчиларимизга Европа жамоаларидан таклифлар кела бошлади. Айниқса, ўша жамоамизнинг ҳақиқий етакчиси бўла олган Аббос Махситалиевга Москванинг "ЦСКА" жамоаси катта қизиқиш билдирганди. Бироқ, маълум сабабларга қўра бу трансфер амалга ошмаган. Бу каби таклифлар аксар футболчиларимизни юлдузлик касалига учрашига сабаб бўлди ва уларни ўсишдан тўхтатди. Ёшларимиз ўз устиларида ишлашмади. Натижада эса, термаимиз тугул, клублар ҳам уларни таркибига жалб қилмади. Ўша таркибдаги футболчилар ҳозир 27 ёшда. Бу ёшда футбол-

мисолида айтилаётган гаплар. Футболимиз қанчадан қанча шу каби авлодларни бой берди. Футболчи ёшлар жамоасидан миллий термага ўтиш гўё дарёдан ўтишдек гап. Агар дарёдан мустаҳкам кўприк барпо қилиб ўтмасанг, дарё ўртасига келганида кўприк синиб, тойиб кетиш ҳеч гапмас. Ундан эсон-омон ўтиш эса кишидан катта меҳнат талаб қилади. Биз ҳам шу кўпригимизни мустаҳкам қилмасак, мундиал орзуси орзулигича қолаверади.

Сухробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати



**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази
Тошкент вилояти бўлими**
азиз ва мўътабар устозларимизни

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини, устозларимиз байрамини билан салтанатий муборакбод этади!

Маънавият ва маърифат боғининг гултожи бўлган Сиз, азизларга ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги заҳматкорона хизматларингизда мустақкам соғлиқ, интиқорингизда каттадан катта муваффақиятлар ёр бўлсин.
Ҳамиша фарзандлар ва шогирдлар камolini кўриб, халқимиз иззат-эҳтиромида юриш насиб этсин!

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!



**Бекобод тумани
Халқ таълими бўлими**

жамоаси озод ва обод юртимиз фарзандларини ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлида самарали меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан муборакбод этади!




**Китоб – ҳар бир кўнгил
қулфини очувчи
калитдир**




Бадий адабий адабиётлар **Танланган асарлар** **Жаҳон адабиёти** **Болалар адабиёти**



"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси яқинлашиб келаётган
1 октябрь – Устоз ва мураббийлар кунини муносабати билан азиз китобхонлар, шунингдек, республикамиздаги китоб савдоси ташкилотлари, яқка тартибдаги тадбиркорларни ўзаро ҳамкорлик қилишга таклиф этади. Байрам арафасида компания китоб маҳсулотларига 10 фоизгача бўлган чегирмаларни тақдим этади. Шошилинг, ҳали бунақаси бўлмаган!

Мурожаат учун телефон: 71-233-04-04.
Маркетинг бўлими. e-mail: info@sharq.uz
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Оҳангарон тумани Халқ таълими бўлими
жамоаси барча илм-фан ва таълим фидойиларини

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини билан қутлайди!



Азиз устозлар!
Ўғил-қизларимизни аждодларимизнинг бой маънавий-маданий меросига, умуминсоний қадриятларга меҳр-муҳаббат руҳида камол топтиришдек шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!

| | | | | | |
|---|--|---|--|--|--|
|  <p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p> | <p>Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ</p> <p>Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-943. 4 278 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.</p> | <p>Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</p> | <p>Телефонлар: Қабулхона: (71) 233-64-95 Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10 Масъул котиб: (71) 233-90-82 Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмуджўаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳнасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.uz</p> | <p>Манзил: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.</p> | <p>Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА</p> <p>Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА</p> <p>Навбатчи Шаҳриёр ИБРАГИМОВ</p> |
|---|--|---|--|--|--|

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 19.20 1 2 3 4 5